ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

9 август, шанба 1997 йил №93 (443)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

*«Шарқ тароналари» халқаро фестивали олдидан*

## МАШРИҚЗАМИН ТАРОНАЛАРИ КЎРИГИ

Қуҳна Самарқанд яна бир йирик анжуманни ўтказишга шай бўлиб турибди. Бу ерда шу йилнинг 25 август — 2 сентябрь кунлари «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали ва унинг доирасида илмий-ижодий конференция бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу тадбир ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланган. Фестивалда иштирок этиш истагини билдирган мамлакатлар сони 40 тага етиб қолди. «Ер юзининг сайқали» ҳисобланмиш Самарқанд замини кенг саҳнага айланиши муқаррар. Буюк Машриқзаминнинг илдизлари муштарак нодир мусиқа мероси бўлмиш ўзбек ва тожик мақомлари, Озорбайжон ва Арман мугомлари, Ҳиндистон ва Покистон рагалари, араб мақам ва нубалари, уйғур муқомлари, турк мақомлари шаҳар узра парвоз этажак.

Ушбу анжуманни ўтказиш ташаббускорлари ва муассисларидан бири Самарқанд вилоят ва шаҳар ҳокимликлари кенг кўламдаги ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар. Шаҳар шу кунларда янада чирой очди. Регистон майдони, Яшил театрда, Нодирабегим мадрасасида, истироҳат боғларида йирик томоша саҳналари қайтадан таъмирланди. Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигидаги саҳналаштирувчи ижодий гуруҳнинг иши айни қизиган шу паллада.

Фестивал ЮНЕСКОнинг халқаро маданий тадбирлари доирасида ўтказилаётганлиги учун ҳайъат аъзолари ҳам турли мамлакат вакилларидан ташкил топган. Ҳайъат ишига таниқли мусиқашунос, Токио университетининг профессори, Шарқ халқлари мусиқасининг тарғиботчиси Харума Кашиба раҳбарлик қилади. Ҳайъат таркибида АҚШ, Германия, Миср, Малайзия, Туркия, Хитой, Ҳиндистоннинг кўзга кўринган санъат арбоблари бор.

Фестиваль ғолиблари учун бир нечта мукофотлар таъсис этилган. Энг катта мукофот Гран При учун 10 минг АҚШ доллари, иккита биринчи мукофотлар учун 5 минг доллардан, ҳар бири 3,5 минг доллардан иккита иккинчи ва ҳар бири 2 минг доллардан учта учинчи мукофот белгиланган.

***

Минг йиллардан бери қанчадан-қанча халқ сайллари, байрамларининг шоҳиди бўлган Нодир Девонбеги мадрасасининг таъмир ишлари Самарқанднинг энг донгдор усталарига ишониб топширилган. Чунки айнан мана шу меъморий обида — Нодир Девонбеги мадрасаси майдонида «Шарқ тароналари» фестивалининг тантаналари ўтказилади.

Машҳур уста, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби, Абдуқаҳҳор Ҳаққулов оилавий сулоласининг моҳир давомчилари Абдуқаҳҳор, Абдураззоқ, Абдуғани Ҳаққуловлар мадрасанинг ички ва ташқи қисмини таъмирлаяптилар.

Фестивални жаҳон андозаларига мос равишда ўтказиш учун қурилаётган тайёргарлик ишларида туманнинг барча қурилиш ва транспорт корхоналари фаол иштирок этмоқдалар. Хиёбон ва кўчалар истироҳат боғларида фестивал томошалари ўтказиладиган саҳналар тахт қилиб қўйилди. Асосий тантаналар ўтказилиши мўлжалланаётган Нодир Девонбеги мадрасаси майдонидаги катта саҳна қурилиши тугалланмоқда.

Меҳмонлар ва қатнашчилар «Шарқ тароналари» фестивали — шарқ байрамининг барча ранг баранглигию жозибасини кўришлари, энг муҳими унинг шарқона руҳини ҳис этишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё.

*Ислоҳот чорраҳаларида*

## МАВҲУМЛИКДАН МУЛК СОҲИБЛИГИ САРИ

Янгиликни биринчи бўлиб жорий этишга ҳамманинг ҳам журъати етавермайди. Жомбойлик Муҳаммади Ортиқов эса янгиликка интиладиган раҳбарлардан. У энг оғир шароитда Жомбой туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги иқтисодиётини ўнглашга эришди. 1993 йилда тумандаги «Жомбой» жамоа хўжалиги раислигига сайланди. Бир йил аввал эса хўжалик унинг ташаббуси билан пайчилар жамиятига айлантирилди. Бошқарув раиси М. Ортиқов билан янги усулнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Ҳеч бир янгилик ўз-ўзидан амалга ошмайди. Жамоа хўжалигини пайчилик жамиятига айлантириш жараёни қандай кечди?

— Ҳар қандай янги ғоянинг моҳиятини ва мақсадини аввало одамларга тўғри, чуқур тушунтириш керак. Бунингсиз ҳар қандай янгилик ҳам самара бермаслиги мумкин. Чунки мақсадни тўғри тушунмаган одам астойдил меҳнат қилмайди. Қисқаси, хўжалигимиз аъзоларининг вилоят қишлоқ хўжалик пайчилик жамиятининг хусусияти, афзаллиги, истиқболи ва самарадорлиги илмий асослаб борилади. Шундан кейингина одамлар бу янгиликка қизиқиш ва умид билан қарай бошладилар. Натижада тарғибот ҳамда ташкилий ишларнинг самараси ўлароқ 1996 йилда хўжалигимиз ёпиқ турдаги пайчилар жамиятига айлантирилди. Бунда, энг муҳими, деҳқонларнинг мулкка эгалик ҳуқуқи қайта тикланди.

— Жамоа хўжалиги даврига нисбатан олганда пайчиларнинг бурч ва ҳуқуқларида, яъни жамиятга аъзо бўлиш, аъзоликдан чиқиш, моддий манфаатдорлик, имтиёзлардан фойдаланиш, иш натижаси, учун жавобгарлик ва ҳоказо масалаларда қандай янгилик лар бор.

— Энг аввало пайчилик жамияти мавҳумликдан мулк соҳиблиги сари қўйилган қадамдир. Бошқача айтганда, илгари жамоа хўжалигида мулк умумники ҳисобланиб, ҳеч бир деҳқон ўзининг бундаги улуши қанчалигини билмасди. Натижада меҳнатда иштирок этишдаги мақсад ҳам ноаниқ эди. Пайчилар жамиятида эса ҳар бир аъзо умумий мулкда ўз улуши қанчалигини билади. Шунга кўра ишлаб чиқариш фаолиятидан келадиган даромаддан ўзи оладиган улушини кўпайтиришга ҳаракат қилади, яъни баракалироқ ишлайди. Асосийси, пайчиликда мулк умумий бўлса-да, бировнинг зарари иккинчи киши оладиган фойда ҳисобига қоплаб юборилмайди. Чунки ҳар бир ишловчи билан алоҳида шартнома бўйича иш юритилади. Шартнома мажбуриятларини мунтазам бажармаган аъзо қарзни тўлаш тариқасида оладиган фойдасидан маҳрум бўлиш ҳам мумкин. Бу эса ишсиз қолиш, доимий даромад манбаини йўқотиш мумкин, дегани. Очиғи, бундай ҳолга тушишни ҳеч ким истамайди. Негаки, пайчилар жамиятига аъзо бўлишнинг ўзи осон эмас. Аъзоликка даъвогар одам шу хўжаликда камида уч йил узлуксиз ишлаган бўлиши, умумий йиғилиш розилиги билан белгиланган миқдордаги бадални тўлаши лозим. Шунингдек, аъзоликдан чиқаётган пайини кимошди савдосида сотиб олган киши ҳам жамиятга аъзо бўлиши мумкин. Лекин кимошди савдосида пайга даъвогарлик қилиш учун хўжалик аъзоси бўлиш шарт. Мана шундай синов-имтиҳонлардан ўтган одам ўз мақсадини, бурч, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ англаган бўлади. Бундай киши ҳеч қачон юқоридан кўрсатма кутмайди, бировдан ёрдам умид қилмайди, ҳамма масалаларни ўзи ҳал қилишга интилади, талон-тарожга йўл қўймайди. Айни мана шу нуқтада хўжасизлик, боқимандалик барҳам топади.

— Аъзоликка қабул қилинувчининг мулкдаги улуши, яъни пай улуши миқдорини белгилашда нимага асосланади?

— Бу масала жамият уставида назарда тутилиб, умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланган. Бунда пайчининг хўжаликдаги охирги узлуксиз иш даври (стажи) меҳнат ҳақи миқдори, ишлаб чиқаришдаги иштироки, фаоллиги, касб хусусияти ва бошқа зарур жиҳатлар ҳисобга олинади. Буларнинг ҳаммаси жамланиб, махсус белгиланган кўрсаткич (коэффициент) орқали ифодаланади. Ҳар бир аъзонинг коэффициенти алоҳида ҳисобланади. Аъзонинг пай улуши шунга тенг даражада ажратилади.

Пайчилик жамияти тузиш арафасида биз хўжаликнинг асосий воситалари, мулкни қайта баҳоладик. Шунга кўра, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тавсияси билан жамиятнинг бўлинмас ва пай улуши жамғармаларининг устав капиталидаги ўттизга етмиш (30/70) фоиз миқдорида белгиладик. Битта пайнинг нархи 1292 сўм бўлади. Барча жиҳатлар ҳисобга олинганида 1450 киши жамиятга аъзо бўлиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу рўйхатда бола тарбияси билан машғул, яъни таътилга 274 нафар аёллар ҳам бор. Биз уларнинг ҳар бирининг қўлига махсус гувоҳнома бердик. Гувоҳнома рўйхатга олинган. У мулк улушини тасдиқлайди, ишловни аъзолар билан якка тартибда шартнома туздик. Шу тариқа оғир карвон қўзғолди.

— Мулк шаклининг ўзгариши ишлаб чиқариш жараёнига ва натижасига, аъзоларнинг даромадига ижодий таъсир қилдими?

— Дастлабки пайтларданоқ одамлар ҳақ тўлашдаги эски текисчилик ақидаларига чек қўйилганини, меҳнатга ҳақ тўлаш аниқ натижаларга кўра амалга оширилишини тушунишди. Меҳнатдаги иштирок эам, ҳаракат ҳам шунга яраша бўлди. Ҳаётнинг жайдари ҳақиқатга асосан қиёслайдиган бўлсак, олдинлари хўжалик раҳбарлари одамларни ишга чиқишга даъват этишарди, эндиликда пайчиларнинг ўзлари у ёки бу тадбирни тезроқ бажаришни талаб этишмоқда. Хуллас, пайчилик жамиятини тузилган 1996 йилда олдинги йилга нисбатан ғалла ишлаб чиқариш 1052 тоннага, картошка 476 тоннага, мева 29 тоннага, пилла 1,13 тоннага кўпайди. 1995 йилга нисбатан барча соҳаларда ҳосилдорлик сезиларли ошди. Айниқса, картошкачилик ва сабзавотчиликда бу яққол кўзга ташланди. Натижада 1996 йилда 6 миллион 300 минг сўм фойда олинди. Ишлаб чиқариш рентабеллиги 13,5 фоизни ташкил этди. Ҳар бир аъзога пай улушининг 10 фоизи миқдорида дивиденд тўланди. Қўшимча тўловлар, мукофотлар бундан мустасно. Яна бир муҳим масала шундаки, пайчи шартномада белгиланган миқдордаги ва сифатдаги маҳсулотни жамиятга топширса — бас, ортиқчаси мутлақо ўзининг ихтиёрида. Бу қатъий кафолатлангандир. Бунинг натижасида манфаатдорлик янада ортади.

— Меҳнат унумдорлиги ошиши натижасида аъзолар сони камайиши табиий. Ҳукуматимиз ҳам қишлоқ хўжалигида банд ишловчилар сонини камайтиришни зарурат қилиб қўймоқда. Айтинг-чи, уларни доимий иш билан таъминлаш учун қишлоқда саноат, кичик ва ўрта бизнес, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш бўйича нима иш қилинмоқда?

— Албатта, бу жуда долзарб масала. Бизнинг шароитимизда қишлоқ хўжалиги фақат интенсив усулда, яъни самарадорликни, меҳнат унумбдорлигини ошириш ҳисобига ривожланиши мумкин. Пайчилик жамиятига ўтилиши буни яна бир марта исботлади. Масалан, ўтган йили бир одамнинг маҳсулот ишлаб чиқариши 1995 йилдагига нисбатан 24 минг сўмга кўпайди. Ўртача ойлик иш ҳақи 515 сўм ошди. Қонуний тарзда бошқарув ходимлари сони 5 кишига, жами ишловчилар 466 кишига камайди. Уларни доимий иш билан таъминлаш тадбирлари белгиланган.

— Пайчилар жамиятдаги ички муносабатлар, бошқа ташкилотлар, ҳудуддаги деҳқон хўжаликлари билан муносабат қай тариқа бошқарилади? Шу ҳудудда яшовчи пайчи бўлмаган фуқароларга дахлдор ижтимоий масалаларни жамият ўз зиммасига оладими?

— Жамиятдаги ички муносабатлар, бошқа ташкилотлар билан худуддаги деҳқон хўжаликлар ҳамда аъзолар билан муносабатлар фақат ўзаро шартномалар асосида амалга оширилади. Бозор иқтисодиётининг талаби шундай. Бундан ташқари, пайчилар жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш бўйича давлат буюртмасини, контрактация шартномаларини бажариш мажбуриятини олади.

— Пайчилик жамиятига ўтишда касаба уюшмаси ташкилоти сақланиб қолдими, ёки меҳнаткашларнинг бошқа вакиллик органи вужудга келдими?

Албатта касаба уюшма ташкилоти сақланиб қолди. 1997 йил учун жамоа шартномаси тузилди. Ҳар икки томон ҳам ўз мажбуриятларини мумкин қадар бажариб бораяпти.

— Собиқ жамоа хўжалиги «Жомбой» ёпиқ турдаги пайчилар жамиятига айлантирилгандан бери ўтган вақт ичида эришилган натижалар асосида қандай хулосалар чиқариш мумкин? Янги усул соҳанинг бир маромда барқарор ривожланишига имкон берадими? Ёки ҳали ҳам ҳал қилиниши зарур муаммолар мавжудми?

— Мулк шакли ўзгариши натижасида одамларнинг мулкка, меҳнатта муносабатлари тубдан яхшиланади. Ҳатто одамлар ўз тақдирларига бефарқ қарамайдиган бўлишди, десак муболаға қилмаймиз. Замона зайли билан ерсиз, мулксиз, ҳақҳуқуқсиз қолган деҳқон қайтадан ўзлигини англай бошлайди. Бунинг қадри улуғ, маъноси жуда теран. Президентимиз айтгандай, ўзлигини англаган халқ жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеига эга бўлади.

Энди, очиғини айтганда, қишлоқ хўжалигида ҳали муаммолар кўп. Масалан, бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво ўзгариши туфайли маҳсулот таннархи ва харид нархи ўртасидаги мутаносиблик йўқолаяпти. Бундан кўпинча деҳқонлар зарар кўраяпти. Ривожланишни асосан манфаатдорлик белгилайди. Иккинчидан, бировнинг дангасалиги, уқувсизлиги, ўз ишини бажармагани учун бошқа ишлайдиган, фойда оладиган киши товон тўлашига, яъни зарарни унинг ҳисобидан қоплашга чек қўйиш керак. Давлат буюртмаси ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ҳар бир ишлаб чиқарувчининг ўзидан сўраш керак. Деҳқончасига айтганда, ишлаган ҳар қанча фойда кўрсин — бой бўлсин, ишламаган илгаригидек мулксиз, ҳуқуқсиз қолса — ўзидан ўпкаласин. Кейин бировнинг мулки кўпаяди, биров ёлланма ишчи бўлади. Бундан қўрқмаслик керак. Чунки бозор иқтисодиёти ғирромликни, боқимандаликни, тақсимотдаги текисчиликни кўтармайди. Биз эса улуғ мақсадлар билан бошланган ислоҳотларнинг, янгиликларнинг самараси намоён бўлишини, ўзбек деҳқони бой бўлишини истаймиз.

Суҳбатдош: Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Павлодар яқинида МДҲ давлатлари орасида энг йирик электролиз заводи қурилишига асос солинди. Бу маросимда республика президенти Н. Назарбоев қатнашди. Бу корхонанинг техник-иқтисодий лойиҳаси 12 йил аввал тайёр эди. 1985 йил Н. Назарбоев республика совминининг раиси бўлган вақтида собиқ СССРнинг юқори маҳкамаларидан қурилишга рухсат ололмаган эди. Ҳозир лойиҳа анча янгиланди, бу ишда ғарбнинг кўпгина алюминий концернлари иштирок этди. Заводнинг умумий қиммати ярим миллиард долларга тенг.

60 гектар майдонни эгаллаган завод яна тўрт йилдан кейин ўзининг дастлабки маҳсулотини бериши лозим. У тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 400 минг тонна алюминий бера бошлайди.

***

Оқтуба вилоятида вабо юққан деб гумон қилинаётган олти киши врачларнинг қаттиқ назорати остида текширилмоқда. Республиканинг бешта вилоятида бу даҳшатли касалликнинг аломатлари сезилган. Гумон қилинаётган барча районларда ушбу касалликка қарши махсус тадбирлар ўтказилмоқда.

***

Москвага амалий визит билан келган Туркманистон Президенти С. Ниёзов Россия Президенти Б. Ельцин билан Каспий денгизининг мақоми тўғрисида музокаралар олиб борди. Маълумки, бундан сал илгарироқ Озарбайжон томони «Роснефть» ва «Лукойль» нефть компаниялари билан Каспий денгизидаги нефть конларидан фойдаланиш ҳақида келишиб олган эдилар. Туркманистон бу битимга норозилик билдирди, чунки бу битимда бу республика четлаб ўтилган эди. Учрашувда сўзлаган Ельцин Россия компаниялари ўзларича иш қилиб, давлат бошлиғини бундан хабардор этмаганликларини, ҳукумат бу битимни бекор қилажаклигини, Каспий денгизидан фойдаланишда Туркманистоннинг манфаатини ҳам ҳисобга олиш зарурлигини билдирди.

***

Марказий Осиё билан Хитойни боғловчи Иркешам йўли очилди. Хитой бу регионда ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилмоқда.

## Етти иқлим нафаси

● АҚШнинг Канаверал бўғозидан 6 нафар астронавтдан иборат Америка-Канада халқаро экипажи «Дискавери» кўп марта фойдаланиладиган кемада космосга парвоз қилди. Астронавтлар 10 кун давомида турли илмий тадқиқотларни, жумладан кемадан космосга чиқарилган сунъий йўлдошни яна кемага қайтариш тажрибасини ўтказадилар.

● Жаҳон банки Кавказорти республикаларига умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларидан кўпроқ кредит ажратди. 70 миллион доллар Озарбайжонга иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, 20,9 миллион доллар Грузияга муниципал ривожланиш лойиҳасини қўллаб-қувватлаш, 10 миллион доллар Арманистонга соғлиқни сақлашни, жумладан биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш мақсадларига ажратилди.

● Жаҳонда машҳур АҚШнинг «Майкрософт» компанияси ўзининг энг ашаддий рақиби — «Эппл» компаниясининг 150 миллион долларлик акциясини сотиб олди. Бу билан «Майкрософт» компьютер ишлаб чиқаришда жаҳонда амалда якка ҳукмрон бўлиб олди.

● Альп чўққиларини зарур тайёргарликсиз забт этиш иштиёқмандлари ўз енгилтакликларининг қурбони бўлмоқдалар. Фақат кейинги икки ҳафта мобайнида Альп чўққиларида эҳтиётсизликлари оқибатида тоғ туризмининг 40 нафардан кўпроқ ҳаваскори ҳалок бўлди.

● Покистоннинг Панжоб вилоятида диний можаролар 10 нафар кишининг жонига зомин бўлди.

## ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

Жорий йилимизни республикамиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши чуқур рамзий маънога эгадир. Зеро, республикамизда амалга оширилаётган барча тадбирлар айнан меҳнаткашлар фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика хотин-қизлар қўми таси, Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси ёшларининг»Камолот»жамғармаси,»Ўзмевасабзавот»уюшмаси, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг мамлакатимиз мустақиллигининг VI йиллигига бағишлаб республика қишлоқ хотин-қизларининг XYIII спартакиадасини ўтказишидан мақсад ҳам аёлларимиз ўртасида спортни оммалаштириб, уларни спортга кенг жалб этишдр. Мазкур спартакиада 11-15 август кунлари Косонсойда бўлиб ўтади.

Кеча спартакиада ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д.Ғуломова олиб борди.

Мажлисда касаба уюшмалари «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси В.Бойко, Республика «Пахтакор» жисмоний тарбия ва соғломлаштириш клуби директори Б.Бешқуловлар мазкур спорт анжуманига тайёргарликни бориши ҳақида ахборот беришди.

Шунингдек, бошқа сузга чиққанлар ҳам республика хотин-қизларининг XYIII спартакиадасининг уюшқоқлик билан барча талабларга жавоб берадиган даражада ўтказиш ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ташкилий қўмита мажлисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари О.Муҳитдинова иштирок этди.

*10 август — қурувчилар куни*

Шокиржон ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси.

## УНУМЛИ ИШ, САЛМОҚЛИ ҲАҚ, КАФОЛАТЛИ ИМТИЁЗ...

Бунёдкор ҳисобланмиш қурувчининг масъулияти ғоят оғир ва шарафли. Мазкур соҳада эришилган ютуқлар ишлаб чиқариш кучларининг келажакдаги тараққиётини ҳамда иқтисодиётни замон талабларига мослаштиришни белгилаб беради. Шунинг учун ҳам ушбу соҳанинг ривожига катта эътибор бериб келинмоқда. Мазкур соҳада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида бошқарув кенгашлари катта ишларни олиб бормоқдалар, бу масалаларда касаба уюшмалари уларнинг асосий шериклари сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

Қурилиш мажмуи ишлаб чиқариш кўлами ва суръатини тобора ошириб бормоқда. Ушбу натижаларга ҳозирги замон илмий-техника жараёни талабларига жавоб берадиган иншоотларни бунёд этиш йўли билан эришилмоқда.

Бунёд этилаётган объектлар ичида Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасини, Қўқон, Андижон, Янгийўлдаги спирт ишлаб чиқариш, Қўнғиротдаги сода ишлаб чиқариш корхоналарини ҳамда Ўзбекистон қийин эрувчан металлар комбинати, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ва «Аммофос» ишлаб-чиқариш бирлашмаси қайта таъмирланаётганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Асакадаги автомобиль корхонасининг бунёдга келишини ҳам қурувчилар бошлаб беришган эди. Ҳар бир қурилиш бўлинмаси автокорхонани бунёд этишда иштирок этишни ўзи учун шараф деб билди, уни қуришга минглаб кишилар жалб этилди. Хўжалик раҳбарлари, касаба уюшма қўмиталари қурувчиларни жойлаштириш, уларнинг яшашлари, овқатланишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун барча

(Давоми 2-бетда)





